	Кирим	Суммаси	Чиқим	Суммаси
<b>Йил бошига қолдик</b>				
<b>Январ</b>				
<b>Феврал</b>				
<b>Март</b>				
<b>Апрел</b>				
<b>Май</b>				
<b>Июнь</b>				
<b>Июль</b>				
<b>Август</b>				
<b>Сентябрь</b>				
<b>Октябрь</b>				
<b>Ноябрь</b>				
<b>Декабрь</b>				
<b>Йил охирига қолдик</b>				

## **9-МАСАЛА.**

Мақсад – Фермер хўжаликларининг маҳсулот таннархи режаси ва уларнинг ҳисобини ўрганиш.

### **Масалани бажариш учун маълумотлар**

**Фермер хўжаликларининг маҳсулот таннархи режаси  
(1 тонна пахта хом ашёси учун)**

№	Кўрсаткичлар	Микдори	Нархи	Суммаси	Изоҳ
1.	Уруғлик				
2.	Мехнат ҳаки				
3.	Ижтимоий сугурта				
4.	Ёкилғи мойлаш материаллар				
5.	Минерал ўғитлар				
6.	Амортизация				
7.	Бошқалар				

## **10-МАСАЛА.**

Мақсад – Фермер хўжаликларининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уларнинг ҳисобини ўрганиш.

### **Масалани бажариш учун маълумотлар**

**Фермер хўжаликларининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси**

№	Кўрсаткичлар	Суммаси	Изоҳ
8.	Маҳсулот сотишдан соф тушум		
9.	Маҳсулот ишилаб чиқариш таннархи		
10.	Ялпи фойда (1к-2к)		
11.	Давр харажатлари		
12.	Асосий фаолият фойдаси (3к-4к)		
13.	Молиявий харажатлар		
14.	Умумхўжалик фаолияти фойдаси (5к-6к)		
15.	Фавқулодда заарлар		
16.	Фойда (7к-8к)		

## **8-МАВЗУ: ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА**

### **1-МАСАЛА.**

**Мақсад –** Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини таснифланиши ва гурухланишини ўрганиш.

#### **Масалани бажариш учун маълумотлар**

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини қўллаш бўйича йўриқноманинг биринчи кисмининг (Узок муддатли активлар) биринчи бўлими, (Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узок муддатли активлар) учинчи параграфдаги Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0310)ни таснифланг ва ушбу счетни бошқа счетлар билан ўзаро боғланишини ифодаланг.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счёtlарнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Узок муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши		
2	Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибиغا ўтказилиши. Бир вактнинг ўзида эскириш суммасининг ўтказилиши		
3	Узок муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига кадар ижарага берувчига қайтарилган объектга ҳисобланган эскириш суммаси		
4	Узок муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига кадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича		

	узок муддатли ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узок муддатли қисмига		
5	Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) кийматининг оширилиши б) кийматининг камайтирилиши		

## 2-МАСАЛА.

Мақсад – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини таснифланиши ва гурухланишини ўрганиш.

### Масалани бажариш учун маълумотлар

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини қўллаш бўйича йўрикноманинг биринчи қисмининг (Узок муддатли активлар) биринчи бўлими, (Асосий воситалар, номоддий ва бошка узок муддатли активлар) олтинчи параграфдаги Узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар (0600)ни таснифланг ва ушбу счетни бошқа счетлар билан ўзаро bogланишини ифодаланг.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счёtlарнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан кимматли қоғозларни харид қилиш		
2	Сотувчи корхонага номоддий активлар ва материаллар бериш йўли билан кимматли қоғозларни харид қилиш		
3	Сотувчи корхонага маҳсулот, товар, иш, хизматларни бериш йўли билан кимматли		

	қоғозларни харид килиш		
4	Сотувчи корхонага ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид килиш		
5	Кимматли қоғозлар узок муддатли инвестициялар сифатида текинга олинганда		
6	Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари харид қилинганда		
7	Дебиторлик қарзлари ҳисобига қимматли қоғозларнинг харид килиниши		
8	Қисқа муддатли инвестициялар таркиби ўзгартирилганда (реструктуризация)		
9	Таъсисчиларнинг корхона устав капиталига уларнинг улуши сифатида берилган қимматли қоғозларнинг қиймати		
10	Корхона қимматли қоғозларга тегишли хукуклар унга ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома олди		
11	Қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ: а) номинал қиймати харид қийматидан юкори б) харид қиймати номинал қийматдан юкори		
12.	Чет эл валютасидаги узок муддатли инвестициялар билан боғлиқ операциялар бўйича курс фарқлари:  Ижобий  Салбий		
13	Узок муддатли инвестицияларни: а) шўъба хўжалик жамиятларида; б) қарам хўжалик жамиятларида; в) чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарда акс эттириш.		
14	Узок муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг		

	қопланиши (сотиб олиниши)		
15	Узок муддатли инвестициялар сифатида хисобга олинган кимматли қоғозларнинг сотилиши		

### 3-МАСАЛА.

**Мақсад** – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия хисоби счетлар режасини таснифланиши ва гурухланишини ўрганиш.

#### Масалани бажариш учун маълумотлар

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия хисоби счетлар режасини қўллаш бўйича йўрикноманинг иккинчи қисмининг (Жорий активлар) иккинчи бўлими, (Товар-моддий захиралар) биринчи параграфдаги Материалларни ҳисобга олувчи счёtlар (1000)ни таснифланг ва ушбу счетни бошқа счетлар билан ўзаро боғланишини ифодаланг.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счёtlарнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Мол етказиб берувчилардан материаллар олинди		
2	Асосий воситаларни тугатиш натижасида келиб тушган материалларнинг киймати		
3	Таъсисчилардан уларнинг улуши ҳисобидан турли хил материалларнинг келиб тушиши		
4	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан материалларнинг келиб тушиши		
5	Бошқа шахслардан материалларнинг текинга олиниши		
6	Материаллар кирим қилингандан кейин аникланган яроқсизлик (дефект) бўйича мол етказиб берувчига билдирилган даъво		

7	Транспорт-тайёрлов материаллар таннархига киритилиши	харажатларининг		
8	Яроқсиз маҳсулотдан қолган материалларнинг кирим қилиниши			
9	Материалларнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши (1500 счёт кўлланилгандা)			
10	Ўзида ишлаб чиқарилган материалларнинг кирим қилиниши			
11	Тўлови инкор этилган олдин билдирилган даъво суммасининг ҳисобдан чиқарилиши			
12	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга материалларнинг чиқарилиши			
13	Маъмурий эҳтиёжлар учун материалларнинг берилиши			
14	Яроқсиз маҳсулотни тузатиш учун материалларнинг сарфланиши			
15	Маҳсулотларни сотиш учун идишларнинг сарфланиши			
16	Четга чиқиб кетаётган материалларнинг кийматини ҳисобдан чиқариш			
17	Табиий оғат натижасида йўқотилган материалларнинг ҳисобдан чиқарилиши			
18	Инвентаризация материалларнинг камомади аниқланди	натижасида		
19	Тоғ-кон тайёргарлик ишларида фойдаланилган қурилиш материалларининг ҳисобдан чиқарилиши			

#### 4-МАСАЛА.

**Мақсад** – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини таснифланиши ва гурухланишини ўрганиши.

## **Масалани бажариш учун маълумотлар**

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини кўллаш бўйича йўрикноманинг иккинчи кисмининг (Жорий активлар) иккинчи бўлими, (Товар-моддий захиралар) бешинчи параграфдаги Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счетлар (2000)ни таснифланг ва ушбу счетни бошқа счетлар билан ўзаро боғланишини ифодаланг.

Т/ р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счёtlарнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши		
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга таалукли бўлган номоддий активларнинг амортизацияси		
3	Тўғри материал харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга ҳисобдан чиқарилди		
4	Чорвачилик маҳсулотини олиш учун ҳайвонларни сўйиш (ҳайвонлар қиймати)		
5	Материаллар қийматидаги фарқ тегишли улушларда асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди		
6	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш учун асосий ишлаб чиқариш цехларига чиқариш		
7	Ёрдамчи цехларнинг харажатларини асосий ишлаб чиқаришнинг маҳсулоти ва хизматлари таннархига киритиш		
8	Умушишлабчикириш харажатларининг асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларининг таннархига киритилиши		

9	Яроқсиз маҳсулотлар ҳисобига йўқотишлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларни таннархига киритилди
10	Илгари келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли улуши маҳсулот таннархига олиб борилди
11	Кирим қилинган тайёр маҳсулотнинг омбордан цехларга қайта ишлаш ва ҳоказо учун қайтарилиши
12	Товарлар қайта ишлашга берилди
13	Ишлаб чиқариш учун бевосита цехларга келиб тушадиган моддий қийматликлар ва хизматлар олинди
14	Қондирилмаган даъволар суммаси асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматларининг таннархига киритилди
15	Асосий ишлаб чиқаришдаги суғурта харажатлари
16	Асосий ишлаб чиқариш харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар
17	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат хақи тўлаш бўйича суммалар ҳисобланди
18	Ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган асосий ишлаб чиқариш харажатлари
19	Асосий ишлаб чиқариш цехларига турли корхоналарга улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзлар
20	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларга қилган харажатлари
21	Асосий цехларда аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кирим

	килинди		
22	Материалларнинг асосий ишлаб чиқаришдан қайтарилиши; ўзида ишлаб чиқарилган материаллар, шунингдек қайтариладиган чиқиндиларнинг кирим қилиниши		
23	Ҳайвонларни ўстириш ва бўрдокига бокиш бўйича жорий харажатларнинг ҳайвонлар таннархига (ўсиш ва ортган вазннинг) киритилиши; ҳайвонлар наслининг акс эттирилиши		
24	Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши		
25	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар операциялараро омборларга кирим қилинди (ярим тайёр маҳсулот ҳолида)		
26	Асосий ишлаб чиқаришда аникланган тўғриланмайдиган яроқсиз маҳсулотдан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди		
27	Маҳсулотни хақиқий таннарх бўйича ишлаб чиқариш		
28	Савдо ва таъминот корхоналарида ўзида ишлаб чиқарган товарларнинг (қайта ишлашдаги ва хоказо) кирим қилиниши		
29	Асосий цехларда бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматларнинг сотилиши; тугалланган ва буюртмачи томонидан кабул қилинган ишларнинг боскичлари бўйича харажатлар суммасининг ҳисобдан чиқарилиши		
30	Бошқа чиқиб кетган (текинга бериш ва бошқалар) маҳсулот таннархининг ҳисобдан чиқарилиши		

31	Табиий оғатлар, ёнғин ва шу кабилар натижасида тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар хисобдан чиқарилди		
32	Асосий ишлаб чиқаришда аникланган моддий кийматликларнинг камомади		

## 5-МАСАЛА.

Мақсад – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини таснифланиши ва гурухланишини ўрганиш.

### Масалани бажариш учун маълумотлар

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини қўллаш бўйича йўрикноманинг иккинчи қисмининг (Жорий активлар) иккинчи бўлими, (Товар-моддий захиралар) ўнинчи параграфдаги Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счетлар (2700)ни таснифланг ва ушбу счетни бошқа счетлар билан ўзаро боғланишини ифодаланг.

1	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши		
2	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳаки тўлаш харажатлари		
3	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар амортизацияси		
4	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ёрдамчи ишлаб чиқаришга кўрсатилган ва уларнинг исътемол қилган хизматлари киймати		
5	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатларининг сотиш ва маъмурий		

	харажатларга тақсимланиши		
6	Ҳисобот даври охирида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар заарларининг давр харажатларига ҳисобдан чиқарилиши		
7	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун материалларнинг сарфланиши		
8	Махсулот олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши		
9	Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши		
10	Материаллар қийматидаги фарклар ҳисобланган улушда хизмат кўрсатувчи хўжаликлар счётига ҳисобдан чиқарилди		
11	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун сарфланди		
12	Келгуси даврлар харажатларининг улуси хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулоти, иш ва хизматлари таннархига олиб борилди		
13	Асосий цехлар маҳсулотларининг бир қисми хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун ишлатилди		
14	Мол етказиб берувчилардан хизмат кўрсатувчи хўжаликларга келиб тушган моддий қийматликлар (сув, буғ, энергия ва хоказолар) ва хизматлар		
15	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда суғурта бўйича харажатлар		
16	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар		
17	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга кўрсатган		

	хизматлари учун турли корхоналарга бўлган карзлар		
18	Хисобдор шахсларга қарзлар		
19	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларига ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг кўрсатган хизматлари		
20	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ортиқча тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг кирим килиниши		
21	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг капитал кўйилмаларни амалга оширишдаги харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилди		
22	Илгари хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши		
23	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари ўстиришдаги ва бўрдоқига бокилаётган хайвонларнинг таннархига киритилди		
24	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг материалларни харид қилишда кўрсатган хизматлари ва харажатлари		
25	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари (мавсумий тармоқларда) келгуси давр харажатлари таркибига киритилди		
26	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тайёр маҳсулотлар кирим қилинди		
27	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулотларни етказиш ва сотишда кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди		
28	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг сотган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва кўрсатган		

	хизматларининг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш		
29	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан бошқа корхоналарга инвестиция тарикасида маҳсулотлар берилди ва хизмалар кўрсатилди		
30	Ажратилаган бўлинмаларга хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулотлари берилди ёки харажатлари ҳисобдан чиқарилди		
31	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг табиий оғат, ёнғин ва шу кабилар натижасида кўрган зарарлари ҳисобдан чиқарилди		

## 6-МАСАЛА.

Мақсад – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини таснифланиши ва гурухланишини ўрганиш.

### Масалани бажариш учун маълумотлар

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини қўллаш бўйича йўрикноманинг иккинчи қисмининг (Жорий активлар) бешинчи бўлими (пул маблағлари, кисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар)нинг тегишли параграфларидаги счетларни таснифланг.

## **9-МАВЗУ: ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ**

### **1-МАСАЛА.**

Мақсад – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятида харажатларни юзага келиши, ҳисоблаш, туркумланиши ва уни бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ахамиятини ўрганиш.

#### **Масалани бажариш учун маълумотлар**

Куйида келтирилган харажат моддаларини харажат турлари (шартли ўзгарувчан, шартли доимий ва ярим ўзгарувчан харажатлар) бўйича классификация қилиб чиқинг. Сизни иккилантирган ёки Сизда савол туғдирган харажат моддаларини юлдузчалар билан белгилаб, алоҳида изоҳ беринг:

- а) хом ашё;
- б) материаллар;
- в) ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчиларнинг иш хақи харажатлари;
- г) ёрдамчи ишчиларнинг иш хақи харажатлари;
- д) бошқарув ходимлари ва мутахассисларнинг иш хақи харажатлари;
- е) ишлаб чиқаришда банд бўлган жиҳозлар бўйича ҳисобланган амортизация ажратмалари;
- ж) ишлаб чиқариш мақсадлари учун ижарага олинган майдон ва жиҳозлар тўлови;
- з) телефон хизмати харажатлари:
  - ойлик тариф суммаси;
  - интернет суммаси;
  - ҳалқаро сўзлашувлар суммаси;
- и) корхона менежер ва раҳбарларини рағбатлантириш харажатлари;
- й) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича синиш ва браклар;
- к) усталарнинг (мастерларнинг) иш хақи харажатлари;
- л) реклама-ташвиқот харажатлари;
- м) коммунал хизмат харажатлари;
- н) электр – энергияси харажатлари:
  - корхона офисини ёритиш (таъриф бўйича);
  - станокларни ишлатиш билан боғлик қисми;
  - ишлаб чиқаришда банд бўлган майдон ва биноларни ёритиш;

- о) корхона омборида бўлган маҳсулотларни машиналарга юклаш харажатлари;
- п) харид қилинган хом ашё ва материаллар бўйича ҳисобланилган акциз ва қўшилган киймат солиги суммаларига;
- р) корхона офиси бўйича ҳисобланган амортизация суммаси;
- с) газет ва журналларга обуна харажатлари.

## **2-МАСАЛА.**

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи автомобил корхонаси фаолияти бўйича қуидаги маълумотлар (1 та автомобиль бўйича) мавжуд:

- |  |                |
|--|----------------|
| а) автомобилнинг харид баҳоси  | - 20 млн. сўм; |
| б) автомобилнинг йиллик эскириш харажати   | - 4 млн. сўм;  |
| в) автомобига йиллик техник хизмат кўрсатиш  | - 1 млн. сўм;  |
| г) ёкилғи харажатлари (бензин) - ҳар 100 км учун 20 литр ҳисобида;   |                |
| д) ҳар 10 000 км учун эҳтиёт кисмлар   | - 1 млн. сўм;  |
| е) автомобилнинг йиллик сугурта харажати   | - 1 млн. сўм;  |
| ж) лицензия харажати   | - 2 млн. сўм;  |
| з) шиналарни ҳар 75 минг км. масофадан кейин алмаштириш (ҳар бир шина – 120 минг сўмдан, жами 6 дона шинани алмаштириш). |                |

Юкорида келтирилган ана шу маълумотлардан фойдаланиб қуидаги вазифаларни бажарнинг:

а) корхона раҳбари учун ҳисоблаб берингчи, ана шу автомобил бир йилга 110 минг км. масофани босиб ўтиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатса, қуидаги харажатлар миқдори қанчани ташкил киласди:

- жами харажатлар миқдори;
- шартли ўзгарувчан харажатлар миқдори;
- шартли доимий харажатлар миқдори;
- ҳар бир км. масофага тўғри келадиган шартли ўзгарувчан харажатлар;

- ҳар бир км. масофага тўғри келадиган шартли доимий харажатлар;
- ҳар бир км. масофага тўғри келадиган жами харажатлар миқдори.

Шу вазифани бажариш пайтида Сизни иккилантирган ёки Сизда савол туғдирган харажат моддаларини юлдузчалар билан белгилаб, алоҳида изоҳ беринг.

б) корхона раҳбари учун ҳисоблаб берингчи, ана шу автомобиль бир йилга 150, 200, 230 минг км. масофани босиб ўтиб, ахолига пуллик хизмат кўрсатса, айнан шу харажатлар микдори қанчани ташкил қиласди.

в) ҳисоблаб чиқкан кўрсаткичларингизни, масофалар микдоридан келиб чиқиб, график кўринишига келтиринг.

г) ҳисоблаб чиқкан график маълумотларидан йилга 110, 150, 200, 230 минг км. масофани босиб ўтиб, ахолига пуллик хизмат кўрсатилса, автомобильнинг ҳар бир км. масофага тўғри келадиган харажатлар микдори қанчани ташкил қилишини топинг.

д) бажарган ҳисоб-китобларнинг асосида корхона раҳбарига аниқ таклиф-мулоҳазаларни тайёрлаб беринг.

### **3-МАСАЛА. Махсус буюртмани қабул қилиш таҳлили.**

#### **Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Корхона "A" турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 300000 дона. Ўзгарувчан харажатлар (бир йилга) 750000 ш.б., шартли ўзгармас (доимий) харажатлар 450000 ш.б. Доимий харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми 200000 донадан 300000 донагача бўлган оралиқда ўзгармайди. Аниқ маълумотлар бўйича корхона бир йилда ҳар бирини 5 ш.б.да жами 240000 дона "A" маҳсулоти сотиши мумкин.

Бир марталик буюртма тушяпти деб фараз қилайлик. Худди шундай "A" турдаги маҳсулотдан 60000 дона ишлаб беришга буюртма тушяпти, лекин баҳоси одатдаги сотиш баҳосидан 40% арzon.

#### **Талаб қилинади:**

Корхонанинг фойдаси ёки харажати (чиқими) қанча сўмга ўзгаришини топинг.

### **4-МАСАЛА. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таниархи калькуляцияси**

#### **Масалани бажариш учун маълумотлар.**

«Умар» ОТАЖ икки ҳил маҳсулот, яъни компьютер ва принтер йигади ва уларни сотади. Харидорлар компьютерни алоҳида сотиб олишлари мумкин ёки унга қўшиб принтерни ҳам харид қилиш имкониятига эгалар. Принтернинг ўзи алоҳида, яъни компьютерсиз сотилмайди. Шу тамойилга мувофиқ, сотилган принтерлар сони

сотилган компьютерлар сонига тенг бўлиши ёки унинг сонидан кам бўлиши мумкин. Ҳар бир компьютердан акциядорлик жамияти оладиган маржинал фойда 50 минг сўмни ва ҳар бир принтердан кўриладиган маржинал фойда 100 минг сўмни ташкил килади.

Ҳар бир принтер иккита ишлаб чиқариш линиясидан ўтиб йифилади ва сотувга тайёр бўлади. Битта принтер биринчи линияда 6 соатда ва иккинчи линияда 10 соатда йифилади. Битта компьютер бўлса, биринчи линияда 4 соатда йифилиб, сотувга тайёр бўлади. Акциядорлик жамиятининг биринчи йигув линияси суткасига 24 соат ишлайди, иккинчи йигув линияси бир сутка давомида – 20 соат. Фараз қилайлик, X – бу принтерлар сони, Y – компьютерлар сони.

**Талаб қилинади:**

Вужудга келиши мумкин бўлган барча муносабатларни чизики дастурлаш модели форматида акс эттиринг;

«Умар» ОТАЖ энг юкори даражада фойда олиши имкониятини компьютерлар ва принтерларнинг қайси микдори таъминлайди? Масалани ечишда ҳар иккала усул, яъни график усулдан ҳам, синаш ва хатолар усулидан ҳам фойдаланинг.

**5-МАСАЛА. Ҳаражатларни камайтириш.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

«Мирзо» дехқон-фермер хўжалиги кишлок хўжалик экинларига минерал ўғитларни солишини амалга ошироқчи. Бунинг учун ҳисоб-китобларга асосан 4 800 кг азотли ва 5 000 кг фосфорли ўғит керак бўлади.

Минерал ўғитлар махсус халталарда сотилмоқда. «Экстра» русумли халтада иккита пакет бўлиб, унинг биттасига 20 кг азот ва 80 кг фосфор ўғити солинган, яъни битта халтанинг умумий оғирлиги 100 кг. Ана шу «экстра» русумли битта халтанинг баҳоси 10 минг сўм.

«Минерал» русумли халтанинг ҳам ҳар бирида 100 кг ўғит бўлиб, шундан 75 кг – азот ва 25 кг - фосфор, баҳоси 18 минг сўм.

Фараз қилайлик, X – бу «экстра» русумли халталар сони ва Y – «минерал» русумли халталар сони.

**Талаб қилинади:**

«Мирзо» дехқон-фермер хўжалиги ўзига керак бўлган минерал ўғитларни энг кам ҳаражат билан сотиб олиши учун ҳар бир халтадан қанчадан харид қилиши лозим? Масалани график кўринишида ечинг.

## **6-МАСАЛА. Харажатларни таққослаш.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Компьютер марказида 10 нафар оператор ишлайди. Марказ раҳбарига ўша 10 нафар операторлар имзоси билан компьютерларнинг операцион хотирасини тез ишлаш ва кенгайтириш мақсадида кучайтиришни сўраб ариза тушган. Бу таклиф марказ раҳбарига унча ёқмаяпти. Амалда ишлаётган "тизим" (система) бундан икки йил олдин 300.000 ш.б.га сотиб олинган бўлиб, унинг яна фойдали иш муддати 3 йил.

Янги системани сотиб олиш, ҳар бир система учун 13500 ш.б.ни ташкил қиласди. Фойдали иш муддати ҳам 3 йил. Амалдаги системанинг бир йиллик харажатлари 40000 га teng. Ишлаётган 10 нафар операторнинг бир йиллик харажати 10000 ( $1 \times 1000$ ) га teng. Системанинг хисобдан чиқарилиш (ликвидация қиймати) баҳоси 95000 ш.б.

Йиллик даромад - 1000000, шунингдек компьютерларга боғлиқ бўлмаган жорий харажатлар - 880000 ш.б. Бу кўрсаткичлар иккала ҳолатда ҳам ўзгаришсиз қолади.

### **Талаб қилинади:**

Барча маълумотларни иккала вариант бўйича ҳам йигиб чиқиши:

- а) эски системани қолдириш;
- б) уни янги системага алмаштириш

Иккала вариант бўйича релевант ва норелевант маълумотларни таққослаш

Фақат релевантли харажатларни таққослаш

Фикрингизни билдиринг, нима учун бу таклиф раҳбарга ёқмади?

## **7-МАСАЛА. Фойдани хисоблаш ва баҳони режалаштириш.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Корхона жуда юқори рейтингга эга. Менежер бозорда солмоқли улушни згаллаш учун харакат қилаяпти. Ҳар бир сотилётган маҳсулотнинг баҳоси 500 сўм, бу баҳо худди шундай бозорда сотилаётган маҳсулотларнинг баҳосидан анча паст. Маҳсулотнинг бир донасига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар 450 сўм, доимий харажатларнинг миқдори шу йили 600 минг сўмни ташкил қилган.

**Талаб қилинади:**

а) фараз қилайлик, корхона шу йили 1 млн дона маҳсулот сотиши мумкин. Шу ҳолатда корхонанинг фойдаси қанча бўлади?

б) менежер бозорда режалаштирган мавқенин эгаллади деб, фараз қилайлик. Шу вактда корхона 30 минг сўм фойда олиши учун бир дона маҳсулотнинг нархини неча сўмда белгилаши лозим.

**8-МАСАЛА. Маҳсулотни сотиш таркибини аниқлаш.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Корхона, фараз қилайлик, болалар кийими ишлаб чикаради ва сотади. Ҳар бир дона болалар кийимига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар - 300 сўм, доимий харажатлар – 15 минг сўм.

а) корхона ҳар бир кийимчани 500 сўмдан, жами 600 минг кийимча сотиб, 200 минг сўм миқдорида фойда кўриши мумкин.

б) ёки 350 минг дона болалар кийимини 600 сўмдан ва яна 200 минг донасини 400 сўмдан сотиши мумкин.

Шу иккала вариантнинг қайси бирини корхона танлайди?

## **10-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАР ВА УЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

Мақсад – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятида молиявий хисоботлар, уларни туркумланиши ва уни бошқарув қарорларини қабул килишдаги ахамиятини ўрганиш.

### **1-МАСАЛА.**

#### **Масалани бажариш учун маълумотлар**

“ФАЙЗ” корхонасининг 2019 йил 30 сентябрдаги актив ва мажбуриятларининг ҳолати келтирилган:

<b>Актив</b>	<b>Сумма (минг сўмда)</b>	<b>Пассив</b>	<b>Сумма (минг сўмда)</b>
1. Асосий воситалар	35000	1. Устав капитали	40000
2. Материаллар	10000	2. Фойда	3000
3. Касса	100	3. Банкнинг қисқа муддатли кредити	2000
4. Ҳисоб-китоб счёти	15000	4. Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб китоблар	500
5. Омбордаги тайёр маҳсулот	900	5. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	4500
6. Келгуси давр харажатлари	500	6. Резерв капитали	2500
7. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	3500	7. Узок муддатли банк кредитлари	15000
8. Туталланмаган ишлаб чиқариш	5000	8. Текинга олинган мулк	8100
9. Ташкилий харажатлар	5600	Баланс	50 000
Баланс	75600		

Корхона октябрь ойида қўйидаги хўжалик операцияларини амалга оширган:

- Харидорларга пул ўтказиб берди – 2600 минг сўм;
- Кассага пул олиб келинди – 5600 минг сўм;

3. Ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди – 4200 минг сүм;
4. Устав капиталига тасисчиларнинг улуши асосий восита тарикасида киритилди – 8900 минг сүм;
5. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга эскириш ҳисобланди – 1500 минг сүм;
6. Киска муддатли банк кредитлари тўланди – 1000 минг сүм;
7. Ишчиларга иш ҳақи берилди – 4700 минг сүм;
8. Материаллар ҳарид қилинди – 2500 минг сүм.

**Топширик:**

1. “ФАЙЗ” корхонасининг октябрь ойида амалга оширилган хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиринг;
2. 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига бухгалтерия балансини тузинг.

## **2-МАСАЛА.**

### **Масалани бажариш учун маълумотлар.**

«М» компанияси 2019 йил 30 ноябрь ҳолатидаги баланси қуйидаги кўринишга эга:

<b>Активлар</b>	<b>Сумма (минг сўм)</b>	<b>Мажбуриятлар</b>	<b>Сумма (минг сўм)</b>
Касса	263 389	Тўланадиган васиқалар	83 361
Олинадиган счёtlар	339 798	Тўланадиган счёtlар	229 453
Товарлар	387 660	Бошқа мажбуриятлар	300 847
Мулклар	330 455	Мажбуриятнинг жами	613 661
Бошқа активлар	99 800	Хусусий капитал	807 441
Жами активлар	1 421 102	Жами пассивлар	1 421 102

Декабр ойида корхона томонидан қуйидаги муомалалар содир бўлди (минг сўмда):

Мулк эгаларидан нақд пулда омонатлар қабул қилинди – 1 800 сўм;

Компанияга инвестиция кўринишида маҳсус ускуна олинди – 4 000 сўм;

Оддий васиқа берилиб нақд пул киrim қилинди – 10 000 сўм;

Накд пул тўланиб ускуна сотиб олинди – 12 500 сўм;

Мол етказиб берувчилардан ТМЗ сотиб олинди – 9 000 сўм;

Кредитор карзлар (счёtlар) нақд пулда тўланди – 5 400 сўм;

Бошқа компанияяга ускуна сотилди – 1 400 сўм;

Дебиторлик қарзлари (олинадиган счёtlар) накд пулда кирим килинди – 8 400 сўм;

**Топширик:**

1. Ушбу ойда содир бўлган муомалаларни тахлил қилинг.
2. Тахлилдан кейин «Актив = мажбурият + хусусий капитал» тенгламани исботланг.

**3-МАСАЛА.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Бош бухгалтер касал вақтида унинг ёрдамчиси фирманинг балансини тузди ва бир неча хатоликларга йўл қўйди. Лекин маблағ ва манбаларнинг teng келиш шартига амал қилиб балансга келтириш учун хусусий капитал суммасига манбадаги фаркни кўшди. Натижада ушбу бўлимдаги сумма нотўғри бўлди, лекин бошқа ҳамма маълумотлар тўғри.


Активлар	Сумма	Мажбуриятлар	Сумма
Касса	200 000	Олинадиган счёtlар	300 000
Концелярия товарлари	100 000	Хизмат кўrsatiшдан олинадиган даромадлар	3 500 000
Ер	2 200 000	Мулк солиги бўйича сарфлар	80000
Ташвиқот харажати	50 000	Тўланадиган счёtlар:	800000
Идора мебели	1000000	Хусий капитал	
Тўланадиган васиқа	1 600 000	Хусусий капиталнинг жами	870 000
Ижара бўйича сарфлар	400 000		
<b>Активнинг жами</b>	<b>5 550 000</b>	<b>Пассивнинг жами</b>	<b>5550000</b>

**Топширик:**

1. 30 апрель кунига бухгалтерия балансини тузинг. Актив ва мажбуриятлар суммасини аниқланг, кейин хусусий капитал суммасини аниқлаш учун активдан ва мажбурият суммасини чегиринг.
2. Бухгалтерия балансида ва кўrsatiлиши лозим бўлган счёtlарни аниқланг.


## 11-МАВЗУ: ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИ

Мақсад – Хўжалик юритувчи субъектларда Хусусий капитал ҳисобининг иктисодий мазмунини ифодалаш, уларни кўрсаткичларини туркумланиши ва уни бошқарув қарорларини қабул килишдаги ахамиятини ўрганиш.



Устав капитали бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ҳисобваракларда ҳисобга олинади:

- 8300 – “Устав капитали”
- 8310 – “Оддий акциялар”
- 8320 – “Имтиёзли акциялар”
- 8330 – “Пай ва қўйилмалар”.




Күшилган капитал бухгалтерия хисобида куйидаги хисобваракларда ҳисобга олинади:

8400 – “Күшилган капитал”

8410 – “Эмиссион даромад”

8420 – “Устав капиталини шакллантириш бўйича курсдаги фарқ”.



Резерв капитали бухгалтерия ҳисобида куйидаги хисобваракларда ҳисобга олинади:

8500 – “Резерв капитали”

8510 – “Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

8520 – “Резерв капитали”

8530 – “Текинга олинган мол-мулк”.

## 1-МАСАЛА.

Мақсад – устав капитали ва бухгалтерия балансини тузиш тартибини ўрганиш.

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра тузилган АЖ бухгалтерия баланси куйидаги актив ва мажбуриятларни ўз ичига олади:

Номоддий активлар – 21 минг сўм;

Асосий воситалар – 830 минг сўм;

Тақсимланмаган фойда – 250 минг сўм;

Кредиторлик қарзи – 260 минг сўм;

Узок муддатли молиявий қўйилмалар – 40 минг сўм;

Захиралар – 520 минг сўм;

Оддий акциялар – 325 минг сўм;

Дебеторлик қарзи – 270 минг сўм;

Захира капитали – 150 минг сўм;

Бегараз ёрдам – 75 минг сўм;

Кредитлар ва қарзлар бўйича узок муддатли мажбуриятлар – 520 минг сўм;

Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар – 290 минг сўм;

Пул маблағлари – 120 минг сўм;  
Бошқа максадли тушумлар – 371 минг сўм;  
Бошқа жорий активлар – 300 минг сўм;  
Кредитлар ва қарзлар бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар – 90 минг сўм;

Бошқа жорий мажбуриятлар – 350 минг сўм.

**Топширик:**

1. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб АЖнинг хусусий капитал микдорининг аникланг;
2. 2019 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия балансини тузинг.

## **2-МАСАЛА.**

**Мақсад – устав капитали ҳисобини ўрганиш.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Таъсис шартномасига мувофиқ қўшма корхонанинг устав капиталида чет эллик муассиснинг улуши 20 минг АҚШ долларидан иборат. Ҳужжатларни рўйхатга олиш пайтида 1 АҚШ доллари 1740 сўмни ташкил килган эди. Бироқ пул маблағлари билан бадални тўлаш пайтида 1 АҚШ доллари 1750 сўмга teng бўлган.

**Топширик:**

1. Курс фарқидан олинган даромадни ҳисобланг;
2. Ушбу муомалага бухгалтерия проводкасини беринг.

## 12-МАВЗУ:МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

Максад – Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг якунини ўзида ифодаловчи молиявий натижаларни иқтисодий мазмунини ифодалаш, молиявий натижаларни ҳисоблаш, уларни кўрсаткичларини туркумланиши ва уни бошқарув карорларини қабул қилишдаги ахамиятини ўрганиш.

Молиявий  
натижалар

Хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисботот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли бўлган маблағнинг ошиши ёки камайишини англатади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисботот давридаги барча фойдалар ва заарларни ҳисоблаш йўли билан аникланади.

**Молиявий натижалар ҳисоби қуйидаги бухгалтерия счётларида ҳисобга олинади:**

**9000 – “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9100 – “Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9200 – “Асосий воситалар ва бошка активларни чиқиб кетишини ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9300 – “Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9400 – “Давр харажатларини ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9500 – “Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9600 – “Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9700 – “Фавқулотда фойда (зарар)ларни ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9800 – “Солик ва йигимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга оловучи ҳисоб-вараклар”;**

**9900 – “Якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ҳисобвараклар”.**

**Молиявий натижаларни ҳисоблаш тартиби**

“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган)га асосан молиявий натижа куйидаги тартибда аникланади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг куйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аникланади:

**ЯФ=ССТ-ИТ,**

бунда, ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аникланади:

**АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ,**

бунда, АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар;

- хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус заарлар сифатида ҳисоблаш чиқилади:

**УФ=АФФ+МД-МХ,**

бунда, УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солик тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус заар сифатида аникланади:

**СТФ=УФ+ФП-ФЗ,**

бунда, СТФ - солик тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

- йилнинг соғ фойдаси, у солик тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган соликни ва минус қонун харажатларида назарда тутилган бошқа соликлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда соликлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

**СФ=СТФ-ДС-БС,**

бунда, СФ - соғ фойда;

ДС - фойдадан тўланадиган солик;

БС - бошқа соликлар ва тўловлар.

## **1-МАСАЛА.**

Мақсад – молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Корхона ҳисобот йилида 14 400 минг сўмлик маҳсулот сотди, шу жумладан

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 6 000 минг сўмни ташкил килган.

Давр харажатлари 2 900 минг сўмни ташкил қилган, улардан 900 минг сўм даромад (фойда) солигини ҳисоблаб чиқаришда солик солинадиган базага тескари тартибда кўшилади.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди, Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди.

600 минг сўм микдорида даромад (фойда) солиги ҳисобланди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги – 360 минг сўм.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

**Топширик:**

1. Корхонанинг солик тўлагунга қадар даромад (фойда)сини аниқланг;

2. Корхона томонидан тўланадиган даромад (фойда) солигини аниқланг;

3. Корхонанинг ҳисобот давридаги молиявий натижасини ҳисобланг;

4. Куйдаги амалларни акс эттиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	21-сон БХМС бўйича хисобвараклар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилди			
2	КҚС акс эттирилди			
3	Сотилган маҳсулотнинг таннархи хисобдан чиқарилди			
4	Давр харажатлари ҳисобга олинди			
5	Мулкни ижарага беришдан олинган даромад акс эттирилди			
6	Ижара ҳаки бўйича КҚС акс эттирилди			
7	Даромад (фойда) солиги ҳисобланди			
8	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ҳисобланди			
9	Ҳисобот даврининг охирида молиявий натижа аниқланди			
10	Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари) ҳисобдан чиқарилди			

## **2-МАСАЛА.**

**Мақсад – молиявий натижани аниклаш ва ҳисобга олиш тартибини үрганиш.**

**Масалани бажариш учун маълумотлар.**

Корхона ҳисобот йилида 12 000 минг сўмлик маҳсулот сотди.

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 6 000 минг сўмни, маҳсулотларни сотиш харажатлари 1 700 минг сўмни ташкил қилган.

Корхонада ҳисобот йилида бошқариш бўйича жорий харажатлар 1 200 минг сўмни ташкил қилган.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди. Мулкни ижарага бериш билан боғлиқ харажатлар (амортизация ажратмалари, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳаки ва ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг тегишли улуши) 1 600 минг сўмни ташкил қилган.

1 440 минг сўм суммада ягона солик тўлови ҳисобланган.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

**Топширик:**

1. Корхонанинг солик тўлагунга қадар даромад (фойда)сини аниқланг;

2. Корхона томонидан тўланадиган ягона солик суммасини аниқланг;

3. Корхонанинг ҳисобот давридаги молиявий натижасини ҳисобланг;

4. Қўйдаги амалларни акс эттиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси, минг сўм	21-сон БХМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилди			
2	Сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди			

3	Сотиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди			
4	Жорий харажатлар ҳисобдан чиқарилди			
5	Мулкни ижарага беришдан олинган даромад акс эттирилди			
6	Ижара бүйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди			
7	Ягона солиқ түлови ҳисобланди			
8	Ҳисобот даврининг охирида молиявий натижга аникланди			
9	Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари) ҳисобдан чиқарилди			

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.

[www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш милий дастури. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т., Ўзбекистон. 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр. – Т., Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

6. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан номояндалари билан учрашувидаги маърузаси. //”Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 31 декабр.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., Ўзбекистон. 2017. – 108 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., Ўзбекистон. 2017. – 488 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган Илмий- оммабоп қўлланма. – Т.: “Маънавият” 2019

10.“Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 26 йиллигига бағишенган тантанали маросимдаги маърузаси. –Т.: 2018.

11. А.Т.Махкамбоев Амалий молиявий ҳисоб фанидан таянч маъзуза.- Т.: ТДИУ. 2016

12. А.Т.Маҳкамбоев, А.Ш.Тошпулатов. Амалий молиявий ҳисоб фанидан масалалар тўплами.-Т.:ТДИУ. 2016

13. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўплами. –Т.: “НОРМА”, 2011. – 360 б.

14. Ортиқов Х. Югай Л, Тухсанов X, Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлари тўплами. –Т.: “НОРМА”, 2010. – 528 б.

15. Жўраев Н. Абдувахидов Ф. Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: 2012, - 480 б.

16. Амалий бухгалтерия. –Т.: “НОРМА”, 2011.

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ.....</b>	3
<b>1-мавзу: Амалий молиявий ҳисоб фанининг предмети, тадқиқот усууллари.....</b>	5
<b>2-мавзу: Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил килиш амалиёти.....</b>	8
<b>3-мавзу: Бухгалтерия ҳисобини юритишида ҳисоб сиёсатининг ўрни ва ахамияти. Ҳисоб сиёсатининг услубий асослари ва уни қўллаш тартиби.....</b>	10
<b>4-мавзу: Узок муддатли активлар ҳисоби.....</b>	14
<b>5-мавзу: Жорий активлар ҳисоби.....</b>	20
<b>6-мавзу: Мехнат ва иш хақи ҳисоби.....</b>	29
<b>7-мавзу: Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва хисоботлар тузиш.....</b>	33
<b>8-мавзу: Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини қўллаш бўйича йўриқнома.....</b>	42
<b>9-мавзу: Харажатлар ҳисоби.....</b>	54
<b>10-мавзу: Молиявий хисоботлар ва уларни тақдим этиш.....</b>	60
<b>11-мавзу: Хусусий капитал ҳисоби.....</b>	63
<b>12-мавзу: Молиявий натижалар ҳисоби.....</b>	66
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	72



